Ilm-fan va ma'rifatga yuksak e'tibor

Муносабат

ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институти директори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча эълон қилинган "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз, математиклар ва, умуман, илм-маърифат аҳли учун катта аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Ваҳоланки, бундай қарорнинг қабул қилиниши табиий равишда кутилган эди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг сўнгги кунлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари билан учрашиб, фан ва таълим олдида турган вазифаларни ўртага ташлаган ва илм-фан соҳасига эътиборни кучайтириш тўғрисида топшириқлар берган, академия хақида биринчи фармонни имзолаган эди. Ўшанда ҳаммамизда фанимиз келажаги ҳақида катта умид пайдо бўлганди. Ўтган уч йил шуни кўрсатдики, амалиётда бу умидлар кутилгандан ҳам кўпроқ ва юқори даражада оқланмоқда.

Давоми 2-бетда

Скачать газету (.pdf 3.71 mb)